



PROBLEMS ARISING IN ACHIEVING ECONOMIC STABILITY IN ENSURING MORAL SECURITY IN UZBEKISTAN

Hayotjon Nurullayev

Independent Researcher

Institute of Social and Spiritual Research

Republican Center for Spirituality and Enlightenment

Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: Economic culture, economic reform, social protection, creative thinking, ideology of dependence, collective interests, spiritual development, material conditions

Received: 08.03.25

Accepted: 10.03.25

Published: 12.03.25

Abstract: Today, in the context of globalization in Uzbekistan, as in other countries of the world, the issue of spiritual security has come to the fore. Achieving economic stability in the country requires special attention to the issue of ideas and ideology in the implementation of domestic and foreign policy, based on the national and common interests of members of society. The article presents thoughts on the importance of ensuring spiritual security in the organization of the national economy based on the socio-spiritual mood of the population, reducing unemployment among the population, and forming a national market in reducing poverty.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР

Ҳайотжон Нуруллаев

мустақил тадқиқотчи

Республика Маънавият ва маърифат маркази

Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти

Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит	сўзлар:	Экономическая культура, экономическая реформа, социальная защита, творческое мышление, идеология зависимости, коллективные интересы, духовное развитие, материальные условия	Аннотация:	Бугун глобаллашув шароитида дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам маънавий хавфсизлик масаласи биринчи ўринга чиқди. Мамлакатда иқтисодий барқарорликка эришишда жамият аъзоларинг миллий ва
--------------	----------------	--	-------------------	--

умум манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ички ва ташқи сиёсатни олиб бориш даврида ғоя ва мафкура масаласига алоҳида эътибор қаратишни талаб этмоқда. Аҳолининг ижтимоий-маънавий кайфиятидан келиб чиққан ҳолда миллий иқтисодий ташкил этиш, аҳоли орасида ишсизликни камайтириш ҳамда камбағалликни қисқартиришда миллий бозорни шакллантиришда маънавий хавфсизликни таъминлаш аҳамияти хусусида ушбу мақолада фикр-мулоҳазалар келтирилган.

ПРОБЛЕМЫ, ВОЗНИКАЮЩИЕ В ДОСТИЖЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ НРАВСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Хаётжон Нуруллаев

независимый исследователь

Республиканский центр духовности и просвещения

Институт социально-духовные исследования

Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Духовная угроза, идеология, экономика, радикализм, религиозный, расизм и экстремизм, коррупция, человеческий капитал, экономические проблемы

Аннотация: Сегодня в условиях глобализации в Узбекистане, как и в других странах мира, на первый план вышел вопрос духовной безопасности. Достижение экономической стабильности в стране требует особого внимания к вопросу идей и идеологии при проведении внутренней и внешней политики, исходя из национальных и общих интересов членов общества. В статье изложены мысли о значении обеспечения духовной безопасности в организации национальной экономики на основе социально-духовного настроения населения, снижении безработицы среди населения, формировании национального рынка в снижении бедности.

КИРИШ

Ўзбекистонда бугун маънавий хавфсизлик ва иқтисодий барқарорлик масалалари бўйича тадқиқот ишлари бошқа мавзуларга нисбатан кўп тадқиқ этилмаган мавзулар қаторига киради. Аммо, ҳар мамлакат ривожланиш босқичида иқтисодий ислохотларнинг маънавий жараёнларнинг биргаликда олиб борилиши даврида давлат ва жамият ривож учун хизмат этишига гувоҳлик беради. Тарихий тажриба ҳар қандай ислохот ва

Ўзгаришлар аввало инсон онги ва тафаккури орқали ўтган тақдирдагина самарали натижа беришини кўрсатди. Шу туфайли мустақилликнинг илк кунлариданоқ одамлар онги ва дунёқараига ўзгартириш зарурлиги эътибор берилди. Бу борада Ўзбекистон биринчи Президенти И.А.Каримов: “Иқтисодий ислохотларни ҳал этиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин аммо, маънавий ислохотлар қуллик ва мутилек исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримиз удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш –бу дунёда бундан ортиқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ.

АСОСИЙ ҚИСМ

Истиқлол шарофати ила Ўзбекистон иқтисодий маданиятига янгича моҳият бахш этди. Унинг мафкуравий ва сиёсий ғоявий ва партиявий тазйиқларига барҳам берди. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, қонун олдида барча тенглиги, давлатнинг иқтисодий соҳада бош ислохотчи эканлиги, ижтимоий-муҳофаза тамойиллари, янги жамиятга босқичма-босқич ўтиш мезонлари жамият ва шахс ва жамият ва давлат муносабатларидан янги асосга қўйди.

Бу ҳақида, И.А.Каримов: “Агар иқтисодий ўсиш тараққиёт жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи ақли ва жонидир” дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, иқтисодий маънавиятнинг моддий асоси ва моҳиятини ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий эгалик белгилар эди. Шахс манфаатлари жамоа манфаатларига бутунлай бўйсундирдилар, меҳнатга бир текисда ҳақ тўлашга боқимандалик мафкураси асос қилиб олинар, буларнинг барчаси шахснинг иқтисодий маданият асосини ташкил этадиган эркин, ижодий тафаккур билан иқтисодий фаолият ўртасидаги бирликка путур етказарди, расмий буйруқбозлик манфаатлари кўра иш кўрилган.

Иқтисодий маданият йўналишда фаолият олиб боришини белгилаб берди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики янгича иқтисодий маданият таркиб топиши ва ривожланиши учун реал шарт-шароитлар юзага келди. Аммо, бу имкониятнинг воқеликка келиши айланишида, объектив омиллар билан бир қаторда субъектив омилларнинг ҳам ўзига хос мавқеи борлиги табиий. Бунинг учун: “кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш ва соҳаси шакллари мустақил белгилаш имконини бериш”[2] ҳамда амалда инсонларнинг қобилиятини таркиб топтириш талаб этилади.

Биз изланишлар даврида иқтисодиётнинг маънавият билан алоқалари жуда ранг-баранг ва мураккаб жараён эканлигига амин бўламиз. Иқтисодиёт маънавият ривожланиши учун моддий шарт-шароитлар яратиб беради. Лекин, ўз навбатида,

маънавиятнинг ўсиши, илм фан, техника кашфиётлари, аҳоли билимлари ва малакасининг ошиши, иктисодий онгнинг ўсиб бориши, янгидан-янги янгиликларга интилиш иктисодиётни ривожлантиришга олиб келади. Аммо, иктисодиёт ва маънавият ўртасида доимий равишда мавжуд бўлган зиддиятлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистоннинг бундан кейинги ривожланишида ҳам иктисодий ва маънавият муносабатлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига таъсири масаласига тўғри муносабат билдириш керак. Инсонда фойда олиш иктисодиётнинг тор хусусий мақсади бўлса, унинг асосий ижтимоий мақсади одамларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш, маънавий эҳтиёжларини қондириш учун шароит яратишга қаратилишини унутмаслик даркор. Бунда иктисодиётнинг ижтимоий вазифаси-инсон учун хизмат килиши лозимлигини эса жамиятга “маънавият” эслатиб туради.

Агар тараққиёт моделларида фақатгина иктисодиётга эътибор берилса, жамиятни уйғун ривожлантириш, айниқса, маънавий маданиятни юксалтириш, одамлар ўртасида муносабатларни инсонпарварлик ва ахлоқийлик асосида қуриш мушкул бўлиб қолар эди. Тараққиёт даврида маънавиятга устунлик берилса, унда иктисодий қонунларга эътиборсиз қараш, иктисодиётнинг мафкурага буйсуниб қолиш хавфини келтириб чиқариши ҳам мумкин. Шундай экан, маънавият ва иктисодиёт бир қушнинг икки қаноти кабидир. Биз тарих варақларини кўздан кечирар эканмиз, собиқ социалистик мамлакатлар бундай сиёсатни ўз вақтида бошидан кечирганлар. Агар маънавият ва иктисодиётнинг ўзаро таъсирини функционал ёндашувдан келиб чиқиб таҳлил этсак, улар анча мураккаб ва ранг-баранг, ҳар бир муайян ҳолатда ҳар хил. Умуман олганда, уларнинг ўзаро таъсири бир-бириникидан кам эмаслигини тушуниб оламиз.

Жумладан, меҳнат билан ахлоқ туташмаса, иктисодий муносабатларда маънавият масалалари, хусусан, инсонпарварлик талаблари ва меъёрлари етарлича ҳисобга олинмаса, технократик қарашлар устунлик қилса, ишлаб чиқариш ўсгани билан, инсоний муносабатлар таназзулга учрайди, бегоналашиш ва бошқа муаммолар аста секин кучая боради. Натижада, бирор бир ижтимоий-иктисодий таназзулига сабаб бўлади. Ўз-ўзидан иктисодий ўсиш бўлмаса, халқ турмуш фаровонлиги юксалмаса, маънавиятнинг кўп соҳалари ривожланмайди. Жумладан: таълим, илм-фан, санъат ва маданият, оммавий ахборот воситалари, матбаачилик каби илм-фаннинг моддий базаси ночор ахволга тушиб қолади, жамиятнинг ижодий регрессга учрашига олиб келади.

Шунингдек, турли шакллардаги мафкуравий муросасизлик, мутаасиблик тарқалиши учун имкониятлар пайдо бўлишига замин ярати. Бу иктисодиёт ривожланиши учун қўшимча қийинчиликлар туғдиради, Чунки, иктисодиётнинг янги технологияларга, янги

ғояларга бўлган эҳтиёжлари етарлича қондирилмайди. Натижада жамиятда иқтисодий онг давр талаб ва эҳтиёжларидан ортда қола бошлайди. Меҳнат жараёнларида инсонпарварлик, ҳалоллик етарлича ҳисобга олинмаган жойда иш берувчи билан ишга ёлланувчи орасида ижтимоий шерикчилик ўрнини қарама-қаршилик вужудга келишига каби муаммоларни вужудга келишига олиб келади.

Маънавиятнинг иқтисодиётга таъсири, юқорида айтилганидек, биринчи навбатда жамиятда меҳнат муносабатларига таъсир ўтказади. Биринчидан, меҳнат кадриятлар тизимли ишлаб чиқаришнинг ўзи рационал ташкил этилганми, мутассил, такомиллашиб боришга, янги технологияларни қабул қилишга унда ички рағбат, интилиш каби жамиятда қарор топган кадриятлар мезонидан, меҳнатга муносабати яъни дунёқарашдан келиб чиқади. Иккинчидан, маънавиятнинг иқтисодиётга таъсири халқ хўжалигининг қандай фаолият кўрсатишида намоён бўлади. Масалан, товар-пул муносабатларининг, кредит ва солиқ тизимларининг, бозор инфратузилмаларининг ривожланишига шарт-шароит яратишга, жамиятда шаклланган иқтисодий онгга, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга боғлиқ бўлади.

Маънавият ва иқтисодиётнинг ривожланишига, унинг қайишқоқлик ёки инертлик даражасига, янгиликларга ва янгиланишга очиқлик даражасига таъсир кўрсатади. Мамлакатимизда маънавиятга кенг ўрин ажратилишини тақозо этувчи заруратлардан бири жамиятнинг иқтисодий онгини ислохотлар талабига мослаштириш орқали бозор муносабатлари, бозор инфратузилмаси ривожланишини тезлаштиришдир. Замонавий ишлаб чиқариш ва бозор муносабатлари умуман мумтоз кадриятларни қайта баҳолаш, уларни технократик қарашлар, меъёрлаш, омиллар билан алмаштиришга уринишларни пайдо қилмоқда.

Ғарбда таълим-тарбияни гуманитарлаштириш, инсонпарварлик ғояларини жамият онгига қайта сингдириш зарурлиги туғрисида гапирилаётгани бежиз эмас. Шундай қилиб, иқтисодий муносабатларнинг, иқтисодий ҳаётнинг ички инсонпарварлик моҳияти ва ташқи ташкиллаштириш, намоён бўлиш маданияти ҳам билвосита ёки бевосита жамиятда қарор топган маънавиятга боғлиқ. Маънавият ва иқтисод жамиятнинг иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ муносабатларда маънавият масалалари, хусусан, инсонпарварлик талаблари ва меъёрлари ҳисобга олиниши лозимлиги тарихий ҳақиқатдир. Бу маънавиятнинг ишлаб чиқариш, иқтисодий ривожланиш билан узвий боғлиқлигини кўрсатади.

Акс ҳолда, жамиятда инсоний ахлоқий муносабатлар таназзулга учрайди, инсонлар ўртасида бегоналашиш кучаяди. Бу эса охир-оқибатда ижтимоий-иқтисодий таназзулга

олиб келиши мумкин. Айрим кишилар эркин бозор иқтисодиёти шароитида маънавий-маърифий ва ахлоқий қадриятлар қадрсизланади, маданият ва маънавият иккинчи даражали нарсага айланади, маънавий қашшоқлик авж олади, деб даъво қилади. Эркин бозор иқтисодиёти билан маънавиятни бундай қарама-қарши қўйиш мутлақо ўринсиз, аксинча, юқорида айтганимиздек, улар бир-бирларини тўлдиради, чунки фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина иқтисодий ислохотларга тайёр бўлиши зарур.

Шундай экан, мамлакатда иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро диалектик боғлиқлиги ва бир-бирига таъсири қонуниятидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг уйғун ҳолда ривожланиб боришига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Иқтисодий ва маънавий жараёнларнинг ўзаро мутаносиб уйғун тарзда ривожланишига эришиш мамлакат сиёсий-ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг мустаҳкам гарови бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Изланишлар даврида қуйидаги хулосаларга келинди. Неча аср ва замонлардирки маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, тўлдириб, ривожланиб боради. Аммо, Ўзбекистонда маънавий хавфсизликни таъминлаш ва иқтисодий барқарорликка эришиш жараёнида бир қатор муаммолар ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Бу муаммолар албатта бир-бирига ўзаро боғлиқ ва уларнинг ҳал қилиниши комплекс ёндашувни талаб этади. Шу боис уларни икки катта гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- Иқтисодий муаммолар:
- Маънавий хавфсизлик муаммолари:

“Иқтисодий муаммо” деганда “инсонларнинг чексиз эҳтиёжлари ва истакларини чекланган иқтисодий ресурслар ёрдамида қондириш заруратидан келиб чиқадиган муаммоларга айтилади. Бу тушунча иқтисодиётнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. У ресурсларни тақсимлаш ва ундан самарали фойдаланиш”[3] масалаларини тадқиқ этади. Иқтисодий муаммо асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- “чексиз эҳтиёжлар – инсонлар турли хил товар ва хизматларга доимо талаб қилади, ва бу эҳтиёжлар доимо кенгайиб боради.

- чекланган ресурслар – меҳнат, капитал, ер ва табиий бойликлар – чегараланган ва уларни барча эҳтиёжларни қондириш етарли бўлмаслиги.

- танлов зарурияти – ресурслар чекланганлиги сабабли, уларни қайси эҳтиёжлар учун ва қандай тақсимлаш бўйича қарор қабул қилиш,

- ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни энг катта қийматни яратишга ҳамда

самарали йўналтириш”[4] ни талаб этади.

Шу жумладан, давлат бюджетининг қайси соҳаларга кўпроқ маблағ ажратиши масаласини ҳал этиш, ишлаб чиқариш соҳаларида хомашё, ишчи кучи ёки технологиядан қандай фойдаланиш, оила бюджети доирасида ижтимоий-маиший сарф-ҳаражатларни тўғри тақсимлаш қабиладарни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Айнан шу муаммоларни иқтисодиёт фанида ўрганишда адолатлилик ҳамда самарадорлик тамойиллари асосида ўрганилади.

Бугун мамлакат иқтисодий барқарорликка интилиш даврида қуйидаги иқтисодий муаммоларга дуч келмоқдамиз:

✓ Ишсизлик ва камбағаллик – Иқтисодий барқарорликка эришишда ишсизлик даражасини пасайтириш муҳим омил бўлиб, камбағаллик маънавий қадриятларнинг бузилишига ва ижтимоий муаммоларни юзага келтириши,

✓ Инфратузилмалар ислоҳоти ҳамда инвестиция (сармоя) етишмовчилиги – чекка чекка ҳудудларида инфратузилма етишмовчилиги ортидан иқтисодий имкониятларни чекланишига сабаб бўлади ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондирилмаслиги,

✓ Иқтисодий нотенглик – қатламлар ўртасидаги катта фарқ ижтимоий тенгсизликка ва маънавий зиддиятларнинг юзага келиши қабиладарга сабаб бўлади [5].

Ўз навбатида, бугун жамиятда иқтисодий муаммоларни ортиб бориши ижтимоий муаммоларни илдиз отишига олиб келишини унутмаслик зарур. Боиси, кишиларда эртанги кунга бўлган ишончни пасайтириши жамият ривожига сезиларли таъсирини ўтказмай қўймайди. Хусусан, кишиларнинг ҳаёт кечиришидаги муаммолар, йўқчилик, қарамлик, эртанги кунга умидсизлик, ноиложлик, фаолликка интилишни сўндиради ва оилаларнинг тушқунликда ҳаёт кечиришига олиб келади. Аҳоли саломатлигининг ёмонлашуви жиддий муаммога айланигина қолмай камбағаллик одамларнинг соғлиғи ва психологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Оилаларда боқимандалик кайфиятининг кучайишига олиб келади.

Камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар давлат томонидан эҳтиёжманд оилаларни қўллаб қувватлаш, уларнинг камбағалликдан чиқиб кетишлари учун кўмак бериш, бир томондан уларни оғир аҳволга тушиб қолмасликлари учун кўмак берса, иккинчи томондан боқимандалик кайфиятининг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун, давлат камбағал оилаларга минимал даражада ёрдам кўсатади. Иқтисодий қийинчилик айрим жиноят турларини келтириб чиқаради. Баъзи оилаларда кунлик минимал истеъмол учун етарли маблағнинг йўқлиги ўғрилиқ, майда безорилик, ўзганинг мулкига тажовуз қилиш, фирибгарлик, фоҳишалик, гиёҳвандлик, одам савдоси ва шунга

Ўхшаш жиноятлар содир этилишини келтириб чиқариши ҳолатлари тез-тез кузатилиб туриши жамиятнинг ҳуқуқ тартибот соҳасига ҳам жиддий муаммо келтириб чиқаради. Статистик маълумотларга кўра одатда камбағал оила аъзолари орасида жиноятчилик кўрсаткичлари нисбатан юқорироқ бўлади. Бундан ташқари инсонга иқтисодий капиталнинг етишмаслиги яшаш шароитининг ёмонлигидан яна бир натижа - бу уларнинг таълим даражасига таъсир қилиши. Ночорликда яшаш шароитлари боланинг қайси мамлакат ёки минтақаданлигидан қатъий назар, яхши таълим олишига тўсқинлик қилади. Сифатсиз таълим бутун жамиятга салбий таъсир қилади. Бошқа томондан, яхши ўқимишли аҳоли жамият учун даромадларнинг ошиши, инновациялар учун кўпроқ имкониятлар ва инвестицияларнинг кўпайиши каби кўплаб натижаларга эришига олиб келади. Таълимга йўналтирилган жамоатчиликни ривожлантириш дастурлари бутун дунё бўйлаб яшаш шароитининг ёмонлиги билан курашишнинг энг яхши стратегияларидан бири бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасидан иқтибос.
2. М.Блауг. Методология экономической науки, или Как экономисты объясняют. Пер. с англ.—М.: НП «Журнал Вопросы экономики» 2004, 213с.
3. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика — М.: Дело ЛТД, 1995. — 279 с
4. Muhammad Amin Yahyo. Internetdagi tahdidlaridan himoya. Yordamchi o'quv qo'llanma. – Toshkent: Movorounnahr, 2016. – B.361.
5. Панин В.Н. Международная и региональная безопасность: некоторые теоретико-методологические проблемы исследования // Университетские чтения - 2008. Материалы научно-методических чтений ПГЛУ. - Часть ХИИИ. Пятигорск: ПГЛУ, 2008. - С. 48-56; Общая теория национальной безопасности Под общ. ред. А.А. Прохожева. - М.: Изд-во РАГС